

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЖОНОВ МУРОДЖОН МАХМУДОВИЧ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ИЖТИМОЙ
ИНФРАСТРУКТУРА ТИЗИМИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Атажонов Муроджон Махмудович

Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура тизимининг
ҳудудий таркибини такомиллаштириш.....3

Атажонов Муроджон Махмудович

Совершенствование территориальной структуры системы социальной
инфраструктуры в сельской местности Андижанской области.....21

Atajonov Murodjon Maxmudovich

Improvement of the territorial structure of the social infrastructure system in rural
areas of Andijan region.....39

Эълон қилинган ишлар рўйҳати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЖОНОВ МУРОДЖОН МАХМУДОВИЧ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ИЖТИМОЙ
ИНФРАСТРУКТУРА ТИЗИМИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В 2021.4. PhD/Gr169 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nauka@nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмадалиев Юсупжон Исмоилович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Комилова Нилуфар Қаршибаевна
география фанлари доктори, профессор

Сафарова Насиба Иранкуловна
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019. Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 34 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «01» апрелда тарқатилди.
(2022 йил «01» апрелдаги 40-рақамли реестр баённомаси).



Н.И.Сабитова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ жойлар аҳолисининг турмуш тарзини белгиловчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларининг яратилиши аҳоли сонининг ўсишидан бир неча баробар ортда қолиши кузатилмоқда. Қишлоқ жойларда иқтисодий ривожланишнинг шаҳарлардан сезиларли ортда қолиши туфайли аҳолининг шаҳарларга режалаштирилмаган ҳолда, оммавий кўчиб кетиши жараёни тезлашмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли жойлашишидаги инқирозий номутаносибликни келтириб чиқармоқда. Шу боис, халқаро ҳамжамятнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастурида «қишлоқ инфраструктураси, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари, қишлоқларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура салоҳиятини ривожлантириш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар, қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктуранинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, қишлоқ жойларни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ва яшаш шароитини белгилаб берувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура соҳаларининг ҳудудий ташкил этилишига қаратилган муаммоларга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, аҳоли сони тез ўсиб бораётган қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктура соҳалари ривожланишига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, ҳудудларда соғлиқни сақлаш, таълим тизими сифатини ошириш, аҳолининг уй-жой, табиий газ, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда ушбу соҳалар барқарор ривожланишининг илмий асосларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Республикамызда аҳолининг яшаши ва меҳнат қилиши учун зарур бўлган турмуш шароитларини яхшилаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида «...қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ва шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтириш»² юзасидан ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, мамлакат ҳудудининг атиги бир фоизини эгаллагани ҳолда, аҳолисининг 1/10 қисмини ўзида мужассамлаштирган ҳамда зичлик кўрсаткичлари энг юқори бўлган Андижон вилояти қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитлари ва ундаги ҳудудий тафовут, хусусият ва муаммоларини

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5386-сон «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида» ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3604659>

ўрганишга йўналтирилган иқтисодий-ижтимоий географик тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сон «2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сон «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурини 2021 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ аҳолиси, аҳоли пунктлари ва у билан боғлиқ ижтимоий географик муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий асослари хорижлик олимлар Видаль де Ла Блаш, В.Кристаллер, А.Лешларнинг ишларида келтирилган. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси вакиллари Н.Н.Баранский, Ю.Г.Саушкин, С.А.Ковалёвлар томонидан ўрганилган. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктуранинг ҳудудий ташкил этилиши муаммолари бўйича илмий изланишлар В.А.Максимов, А.И.Алексеев, А.А.Ткаченко, И.А.Абрамов, Л.А.Меркушевлар томонидан олиб борилди.

Ўзбекистонда эса қишлоқ жойлар ва унинг иқтисодий-ижтимоий географик жиҳатлари дастлаб Р.Валиева, Э.Ташбеков, Г.Р.Асанов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Солиев, А.А.Қаюмовлар томонидан ўрганилган бўлса, кейинчалик профессор А.С.Солиев илмий мактаби вакиллари З.Н.Тожиева, Ю.И.Аҳмадалиев, М.И.Назаров, Р.Й.Маҳамадалиев, Ж.П.Мусаев, А.У.Сатторов, Ш.Б.Қурбоновлар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда асосан мамлакат ва айрим вилоятларда қишлоқ аҳолиси, қишлоқ аҳоли пунктларининг шаклланиши ва жойланиши муаммолари ўрганилган ҳолос. Аммо, Андижон вилояти қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктурасининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «IQAT-Болонья жараёни асосларини қўллаган ҳолда сифат ва типологияни таъминлашнинг институционал тизимини амалга ошириш мақсадида

салоҳиятни такомиллаштириш (2015-2017 йй.)» мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура тизимининг ривожланишидаги тафовутлар ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида унинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий адабиётлар таҳлили асосида қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктура тизимини иқтисодий географик тадқиқ этиш усулларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;

вилоят қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва ижтимоий мобиллигини оширишга таъсир этувчи инфраструктура объектларини баҳолаш;

Андижон вилояти қишлоқ туманлари ижтимоий инфраструктура тизимининг ривожланиш даражаси бўйича рейтингини аниқлаш ва типологиясини амалга ошириш;

вилоят қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктуранинг ривожланиш хусусиятларини ақс эттирувчи туркум карталар яратиш;

Андижон вилояти инфраструктура тизимининг статистик кўрсаткичлари ва социологик сўровнома натижаларининг қиёсий таҳлилин асосида амалга ошириш, муаммоли ҳолатларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Андижон вилояти қишлоқ жойларининг ижтимоий инфраструктура тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Андижон вилояти қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктура тизимининг ривожланиш муаммолари ва унинг таркибини такомиллаштиришдаги ҳудудий хусусиятлар ва омилларни баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда картографик, SWOT-таҳлил, географик таққослаш, тизим-таркиб, статистик, социологик сўровнома усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктура тизими ҳудудий таркибини баҳолаш усули ҳудудларнинг статистик кўрсаткичлари ҳамда сўровнома натижалари, уларнинг қиёсий устунликлари ва муаммоларини ҳисобга олиш имконини берувчи ёндашув асосида такомиллаштирилган;

вилоят қишлоқ туманларининг таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва муҳандислик-коммуникация шароитлари (8 та кўрсаткич)нинг рейтингини ўринларнинг ўртача қиймати бўйича гуруҳлаш асосида баҳоланган;

илк бор ArcGIS дастурида маълумотлар базасини яратиш, гуруҳлаш, легендасини тузиш асосида Андижон вилояти қишлоқ жойлар ижтимоий соҳалари ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари ва муҳандислик-коммуникация шароитининг туркум карталари яратилган;

вилоят қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура объектларининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш аҳоли турмуш шароити ҳамда унинг ижтимоий мобиллигига таъсири даражаси сўронома ёрдамида асосланган;

Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктуранинг ҳудудий таркибини табиий, иқтисодий-ижтимоий географик ва маъмурий-ҳудудий жиҳатларига таянган ҳолда такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Андижон вилояти ҳудудининг табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларини аниқлаш асосида вилоят ижтимоий инфраструктура тизимини баҳолашнинг иқтисодий географик тузилмаси ишлаб чиқилган;

вилоят ижтимоий инфраструктура тизимини ривожлантиришда ижтимоий соҳа объектларининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, ички ва ташқи имкониятларининг SWOT таҳлили амалга оширилган;

Андижон вилояти таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, аҳолининг уй-жой, ичимлик суви, табиий газ, канализация тармоқлари билан таъминланиш даражасининг 1:500000 масштабда карталари ишлаб чиқилган;

вилоят қишлоқ туманларида аҳоли турмуш шароитининг долзарб ижтимоий муаммолари статистик таҳлил ва социологик сўронома маълумотлари асосида аниқланган ва уларни ечишга қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида бажарилганлиги, тадқиқот доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар илмий асосланган манбалардан олингани, шунингдек, ишлаб чиқилган карталар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктура тизимининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга қаратилган ёндашув замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарий-методологик асосларини бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Мазкур диссертация ишининг амалий аҳамияти унинг натижа ва хулосалари асосида Андижон вилояти қишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилиши, келтирилган маълумот ва илмий хулосалардан қишлоқ жойлар ижтимоий-демографик ривожланишига оид мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун географик ахборот тизимлар (ГАТ) базаси яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура тизимининг ҳудудий

таркибини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари ва хулосалари асосида:

Андижон вилояти қишлоқ жойларида ҳудудларни комплекс ижтимоий баҳолашда ҳудудларнинг статистик кўрсаткичлари ҳамда сўровнома натижалари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида қиёсий устунликлар ва муаммоларни ҳисобга олиш имконини берувчи баҳолаш усулидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 25 ноябрдаги 05/14-03-10/10-4479-сонли маълумотномаси). Натижада Андижон вилояти қишлоқ жойлари ижтимоий инфраструктура тизимини мажмуали баҳолаш имконини берган;

қишлоқ жойларда ижтимоий соҳа объектларини ҳудудий ташкил этишда инсон омилининг етакчилик ўрни ҳамда ижтимоий инфраструктуранинг аҳоли ижтимоий мобиллигига таъсирининг асосланган кўрсаткичларидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида Андижон вилояти ижтимоий соҳа объектларининг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда ва аҳоли бандлигини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 25 ноябрдаги 05/14-03-10/10-4479-сонли маълумотномаси). Натижада, Андижон вилояти қишлоқ жойларида аҳолининг зичлиги ва миқдорини ҳисобга олиб, тиббиёт, таълим, уй-жой ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш имконини берган;

Андижон вилояти қишлоқ туманларининг таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва муҳандислик-коммуникация шароитларининг баҳоланган рейтинг кўрсаткичлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида вилоятнинг мазкур соҳаларни ривожланишидаги ҳудудий тафовутларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 25 ноябрдаги 05/14-03-10/10-4479-сонли маълумотномаси). Натижада, Андижон вилояти ҳудуди ижтимоий инфраструктурани ривожланиш даражасига қараб 3 та кичик гуруҳга ажратилган ва уларда ижтимоий инфраструктура тизимининг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб қишлоқ туманларида соҳани комплекс ривожлантириш асосларини яратиш имконини берган;

Тадқиқот материаллари, ArcGIS дастурида яратилган маълумотлар базаси ва Андижон вилояти қишлоқ жойлар ижтимоий соҳалари ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари ва муҳандислик-коммуникация шароити тасвирланган туркум карталаридан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида миллий географик ахборот тизимини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 26 ноябрдаги 01-05-2091-сонли маълумотномаси). Натижада, Миллий географик ахборот тизимининг

Андижон вилояти қишлоқ туманларига тегишли иқтисодий-ижтимоий маълумотларни кенгайтириш ва сифатини яхшилаш имконини берган;

Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктуранинг ҳудудий таркибини жойнинг табиий, иқтисодий-ижтимоий географик ва маъмурий-ҳудудий жиҳатларига таянган ҳолда такомиллаштириш дастури Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида вилоят қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура тизимини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 25 ноябрдаги 05/14-03-10/10-4479-сонли маълумотномаси). Натижада, вилоят қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура объектлари тизимини ҳудудий жиҳатдан такомиллаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 9 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктура тизимини географик ўрганишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи боби мавзунинг назарий-услубий масалаларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда қишлоқ жойларга иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўрганиш объекти сифатида қаралган. Қишлоқ жойлар географияси билан шуғулланган олимларнинг тадқиқот йўналишлари ҳамда ушбу тадқиқот ишининг юқорида тадқиқ этилган йўналишлардан фаркли жиҳатлари ёритиб берилган.



1-расм. Андижон вилояти қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктура тизимини баҳолаш кўрсаткичлари

Мазкур бобда қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктура тизимининг ривожланишига таъсир этувчи табиий, ижтимоий-иқтисодий географик омиллар аниқланиб, таҳлил қилинди ва шу асосда ушбу тизимни баҳолаш такомиллаштирилди.

Бунда қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктура тизими ҳудудий таркибини баҳолаш бўйича ҳудудларнинг статистик кўрсаткичлари ҳамда сўровнома натижаларини қиёсий таққослаш, рейтингини аниқлаш, тип ва классларга ажратиш имконини берувчи такомиллаштирилган ёндашув таклиф этилди (1-расм). Бунинг учун қишлоқ туманларида аҳолининг ижтимоий ривожланишини таъминлаб берувчи 8 та устувор кўрсаткич белгилаб олинди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини таъминловчи қуйидаги энг муҳим ижтимоий инфраструктура гуруҳлари ажратилди:

1. Аҳолининг кундалик турмуш шароитларини белгилаб берувчи уй-жой ва муҳандислик-коммуникация тизими.
2. Аҳолининг ижтимоий ривожланиши ҳамда маънавий эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қилувчи таълим ва соғлиқни сақлаш тизими.

Бунда қишлоқ аҳолисининг уй-жой, табиий газ, тоза ичимлик суви, канализация тармоқлари билан таъминланиш даражаси, ҳар 10000 аҳолининг шифохона ва амбулатория-поликлиника ўринлари билан таъминланиши, мактабларда ўқитишнинг ташкил этилиш юқламаси, мактабгача таълим ташкилотларига қамров кўрсаткичларига асосий эътибор берилди.

Диссертациянинг «**Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура тизимининг ҳудудий ташкил этилиш ҳолати**» деб номланган иккинчи бобда мамлакатимизнинг бугунги ривожланиш даражаси ва иқтисодий имкониятлар ҳамда «Обод қишлоқ» дастурида қишлоқ жойлар иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган ва Андижон вилояти аҳолиси ўртасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра энг муҳим деб кўрсатилган қуйидаги соҳалар ҳудудий таҳлил қилиш ва муаммоларни аниқлаш учун танлаб олинди:

1. Қишлоқда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва унинг моддий талаб-эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилувчи соҳалар: уй жой билан таъминланиш, ичимлик суви етказиб бериш, табиий газ билан таъминланиш, канализация билан таъминланиш кўрсаткичлари.

2. Аҳолининг ижтимоий ривожланиши ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат кўрсатувчи соҳалар: таълим ва соғлиқни сақлаш.

Юқоридаги кўрсаткичларни баҳолаш янгича услубий ёндашув асосида амалга оширилди, бунда ҳар бир соҳа кўрсаткичлари рейтингли баҳолаш усулида, мажмуали жамловчи кўрсаткичлар эса уларнинг ўртача интеграл рейтинг ўрнидан фойдаланиб баҳоланди. Бунинг учун маъмурий қишлоқ

туманлари бўйича дастлабки танлаб олинган кўрсаткичларни ифодаловчи жадвал тузиб чиқилди ва шу асосда карталар ишланди.

Ўрганишлардан маълумки, аҳолини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси вилоятда ўзига хос ҳудудий хусусиятларга эга. Вилоятнинг айрим қишлоқлари географик жойлашган ўрнига кўра янги ўзлаштирилган чўл ва тоғ олди ҳудудларига тўғри келади. Бундай рельеф шароити мазкур ҳудудларда сув тармоқларини жойлаштиришда маълум қийинчиликларни юзага келтиради. Ўз навбатида, кўпгина қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли асосан тоғлардан оқиб келувчи сой сувларидан, тоғ ёнбағирларидаги булоқ сувларидан истеъмол қилишади.

Ичимлик суви билан бир вақтда табиий газ билан таъминлаш ҳам қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини белгиловчи мезонлардан ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси республикада 55 фоизни ташкил этади.


Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Олтинқўл тумани аҳолисининг 55,3 фоизи, Хўжабод туманининг 51,8 фоиз аҳолиси табиий газ билан таъминланган. Айти вақтда, Избоскан (13,4 фоиз), Шаҳрихон (12,4 фоиз) туманларида аҳолини табиий газ билан таъминлаш долзарб масала саналади.

Андижон вилоятида аҳолининг уй-жой, табиий газ, ичимлик суви, канализация тармоқлари билан таъминланиш даражаси бўйича рейтинг ўринларнинг ўртача қиймати бўйича гуруҳлаш ва баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, вилоятда аҳолининг уй-жой билан таъминланиш кўрсаткичи 10,4 кв.м.ни ташкил этган ҳолда, бу Булоқбоши (8,8), Асака (9,1), Улуғнор (7,9) туманларида, табиий газ билан таъминланиш Шаҳрихон (12,4), Избоскан (13,4) туманларида жуда паст даражада эканлиги аниқланди, аҳоли турар жойларини канализация тармоқлари билан таъминланиш кўрсаткичлари вилоятда 27,9 фоизни ташкил этган ҳолда, бу рақам Избоскан туманида 7,8 фоиздан Қўрғонтепа туманида 32,7 фоизгача фарқланади. Кўриниб турибдики, аҳоли пунктларининг канализация тармоқлари билан таъминланиш даражасини барча туманларда қониқарли, деб бўлмайди.

Вилоят қишлоқ туманларининг уй-жой ва муҳандислик-коммуникация шароитлари (4 та кўрсаткич)нинг рейтинг ўринларнинг ўртача қиймати бўйича гуруҳлаш асосида баҳоланди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича энг паст кўрсаткичга эга бўлган Избоскан, Балиқчи, Улуғнор туманларида мазкур муаммоларнинг таркибий таҳлили асосида биринчи навбатда амалга ошириладиган ишлар йўналиши белгилаб чиқилди (2-расм).

Шулардан келиб чиқиб, қишлоқ туманларининг инфраструктура салоҳиятини таҳлил қилиш, уларнинг таъминланиши даражасидаги ҳудудий тафовутларни аниқлаш ҳамда асослаш, ўз навбатида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича ривожланиш дастурларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИНГ УЙ-ЖОЙ ВА МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ



2-расм. Андижон вилояти қишлоқ жойларининг уй-жой ва муҳандислик-коммуникация воситалари билан таъминланганлик даражаси

Тадқиқот давомида мазкур соҳаларнинг энг муҳим 4 та кўрсаткичи бўйича таҳлиллари шуни кўрсатадики, ҳар 10000 минг аҳолининг шифохона ўринлари билан таъминланиш кўрсаткичлари Бўстон (9,0), Андижон (17,7), Олтинкўл (17,7), амбулатория-поликлиника муассасалари ўринлари билан таъминланиш кўрсаткичлари эса Андижон (81,1), Улуғнор (93,9), Бўстон (98,8), туманларида паст эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-маърифий ривожланишида таълим тизимининг ўрни катта. Вилоят қишлоқ ҳудудларида мактаблар муаммоси яққол кўзга ташланади. Умумтаълим мактабларида ўқитишнинг коэффиценти кўрсаткичлари таҳлилдан кўриш мумкинки, мактабларда бу миқдор Асака туманида 1,5 ни, Андижон, Олтинкўл туманларида 1,4 ни ташкил этади. Сменалик кўрсаткичи бўйича эса 454 мактабда (59,4 фоиз) таълим 2 сменада амалга оширилади. Шу билан бирга, Булоқбоши (65,7), Жалақудуқ (65,4), Избоскан (64,0), Олтинкўл ва Асака туманларида жами ўқувчиларнинг 63 фоизи 2 сменада таълим олишлари аниқланди. Бундан кўринадики, аксарият туманларда умумтаълим мактабларининг юкламаси катта. Тадқиқотлар давомида олинган натижалар асосида мазкур муаммолар тизими энг кескинлашган ҳудудларда уларнинг ечими бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Агар мавжуд мактабларда таълим жараёнлари 1 сменада олиб борилса, ўқувчилар дарс вақтидан кейинги вақтларини унумли ҳамда ўз қизиқишлари бўйича тўғарақларда тўла банд қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ёш авлодни маънавий бой, комил инсон бўлиб тарбияланишида кўпгина шароитларни яратади. Маълумотлардан кўриниб турибдики, барча мактабларда ҳам тўғарақлар ва қўшимча машғулотлар ўтказиш учун шароитлар етарли эмас. Бу ҳолат мавжуд бинони таъмирлаш билан бирга қўшимча биноларни ҳам барпо этишни тақозо қилади.

Мактабгача таълим муассасалари сони вилоятда 548 та бўлиб, уларнинг сонига кўра Шаҳрихон ва Асака туманлари етакчилик қилади. Мазкур туманларда мос равишда 54 ва 51 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Сон жиҳатдан олдинги ўринда Андижон шаҳри бўлиб, мактабгача таълим муассасалари сони 58 тани ташкил этади. Паст кўрсаткичлар Улуғнор (16 та), Олтинкўл (23 та) Булоқбоши (23 та) ва Хўжабод (23 та) туманларида кузатилади. Андижон вилояти қишлоқ жойларида аҳолининг МТМ лари билан таъминланишининг ўртача зичлик даражаси ҳудудлар кесимида табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллар туфайли турли тафовутларга эга. Аҳоли сони юқори ва зич жойлашган Андижон шаҳрида ҳар 10 минг кишига 1 та боғча тўғри келади.

Ўрганилаётган давр ичида мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш 18,5 фоиздан 60 фоизга ўзгарган. Қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларига 3-7 ёшгача бўлган болаларни қамров даражаси бўйича Андижон (53 %), Асака (53 %), Шаҳрихон (54%) туманлари вилоят

кўрсаткичидан паст эканлиги аниқланди. Мазкур туманларда юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ечими бўйича манзилли ислохотларни жадаллаштириш лозим.

1-жадвал

Андижон вилояти қишлоқ туманларининг соғлиқни сақлаш ва таълим тизими ҳолатини рейтингли баҳолаш


№	Туманлар	кўрсаткичлар								Ўртача интеграл ўрни	Рейтинг ўрни
		Шифохона ўринлари сони (ҳар 10000 аҳолига)		Амбулатория- поликлиника муассасалари ўринлари сони (ҳар 10000 аҳолига)		Мақтабларда ўқитиш коэффициенти (ўқувчи ўрнига нисбатан)		Мақтабгача таълим муассасалари қамрови (фоизда)			
		Кўрсаткич	Рейтинги	Кўрсаткич	Рейтинги	Кўрсаткич	Рейтинги	Кўрсаткич	Рейтинги		
1	Кўрғонтепа	30,3	1	147,0	1	1,3	2	72,6	4	2,0	1
2	Хўжаобод	19,8	4	146,9	2	1,3	2	74,9	3	2,75	2
3	Марҳамат	21,1	3	134,6	5	1,3	2	68,6	8	4,5	3
4	Улуғнор	21,2	2	93,9	13	1,1	1	80,6	2	4,5	3
5	Булоқбоши	18,5	9	140,0	3	1,3	2	71,1	5	4,75	4
6	Избоскан	19,2	6	128,5	6	1,3	2	65,4	10	6,0	5
7	Жалақудук	18,4	10	135,8	4	1,3	2	66,9	9	6,25	6
8	Шаҳрихон	19,5	5	113,9	8	1,3	2	54,2	12	6,75	7
9	Бўстон	9,0	13	98,0	12	1,1	1	92,3	1	6,75	7
10	Пахтаобод	19,0	8	125,5	7	1,3	2	63,6	11	7,0	8
11	Балиқчи	18,0	11	106,0	10	1,3	2	69,5	7	7,5	9
12	Олтинқўл	17,7	12	103,5	11	1,4	3	70,4	6	8,0	11
13	Асака	19,1	7	106,5	9	1,5	4	53,7	13	8,25	10
14	Андижон	17,7	12	81,1	14	1,4	3	53,0	14	10,75	12
	Вилоят бўйича	33,8		127,4		1,4		63,8			



юқори



ўрта



паст

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ жойлар ижтимоий тараққиёти муаммолари ва истиқболдаги ривожланиши» деб номланган учинчи бобида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасининг ривожланишини баҳолаш

социологик сўровнома таҳлиллари, унинг ҳудудий жиҳатлари асосида олиб борилди.

Мазкур сўровнома муаллиф томонидан Андижон вилоятининг олти та кишлоқ туманларида махсус дастур асосида 2019 йилда ўтказилди. Сўровномада жами 2500 та респондент иштирок этди. Сўровнома ўтказиш учун танлаб олинган кишлоқ туманларининг табиий шароити, географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ва аҳоли сони, зичлиги, кишлоқ аҳоли пунктларининг тўри ҳамда тизимининг шаклланганлик ҳолати нуқтаи назардан ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги алоҳида эътиборга олинди.

Социологик сўровномада вилоят марказини ўраб турувчи Андижон туманининг шаҳарга яқин жойлашган қисмида 417 та, аҳоли зичлиги вилоятда энг юқори бўлган ҳамда асосан катта ҳамда йирик кишлоқлар шаклланган Асака туманида 573 та, демографик салоҳияти юқори бўлган Шаҳрихон туманида 450 та, чегара ҳудудларида жойлашган, тоғ ва тоғ олди зонаси ҳисобланган Хўжаобод туманида 300 та, янги ўзлаштирилган Бўстон туманида 370 та ва майдонининг катталиги билан ажралиб турувчи, чўл ҳудудида жойлашган Улуғнор туманида 380 та респондент иштирок этди. Кишлоқ жойларда ўтказилган сўровнома тадқиқот мавзусига тегишли бўлган 12 та саволдан иборат бўлиб, унда кишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий инфраструктура элементлари билан таъминланганлик даражасини ўрганиш назарда тутилган.

Андижон вилояти кишлоқ жойлар ҳудуди ижтимоий инфраструктурани ривожланиш даражаси ва муҳандислик-коммуникация шароитига кўра ишлаб чиқилган мақсадли дастур асосида ижтимоий инфраструктура тизимини ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Мақсадли дастурда ҳар бир туманни энг кескин муаммолари биринчи навбатда ҳисобга олинади. Масалан, таҳлиллар Жалақудуқ туманида энг катта муаммо кишлоқ жойларни газ билан таъминлаш эканлигини кўриш мумкин, бу туманда кишлоқ жойларнинг атиги 24 фоизи газ билан таъминланган бўлиб, вилоят бўйича рейтинги 12 ўринда. Бирок, муаммолар дараҳти энг юқори бўлган Избоскан туманида бу кўрсаткич 13,4 фоизни ташкил этсада, туманнинг бошқа муаммолари орасида у қадар кескин кўринмайди.

Ижтимоий инфраструктура объектларининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришда мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш шарт-шароитлари, маҳалла бошқарув тизимининг марказлашмаган ҳолатда фаолиятининг йўлга қўйилиши, кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг турли шакллариининг вужудга келиши, аҳолининг турли катталикдаги кишлоқларда истиқомат қилиши ва уларда аҳолининг яшаши учун зарур бўлган ижтимоий соҳа объектларини меъёрий талабларга мос равишда ташкил этилиши каби тенденцияларнинг ҳисобга олиниши муҳимдир.

ХУЛОСА

Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура ҳолатини ўрганиш, қишлоқ ҳудудлари аҳолисининг ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳудудлар мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Вилоят қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура тизимини географик таҳлил қилиш қуйидаги асосий хулосаларга келишга асос бўлди:

1. Қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктурасини географик тадқиқ этиш замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб илмий йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим. Зеро, бундай тадқиқотларнинг амалий ечимлари, таклиф ва тавсиялари асосида қишлоқ жойларнинг ижтимоий инфраструктурасини мажмуали ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқилишининг асоси бўлиб хизмат қилади.

2. Андижон вилояти қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктура тизими ҳудудий таркибини баҳолаш бўйича туманларнинг статистик кўрсаткичлари ҳамда сўровнома натижаларини қиёсий таққослаш, рейтингини аниқлаш, тип ва классларга ажратиш, прогнозини ҳисобга олиш имконини берувчи такомиллаштирилган ёндашув таклиф этилди. Шунингдек, қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктура объектларининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш аҳоли турмуш шароити ҳамда унинг ижтимоий мобиллигига бевосита таъсир этади.

3. Андижон вилоятида аҳолининг уй-жой, табиий газ, ичимлик суви, канализация тармоқлари билан таъминланиш даражаси бўйича рейтингини ўринларнинг ўртача қиймати бўйича гуруҳлаш ва баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, вилоятда аҳолининг уй-жой билан таъминланиш кўрсаткичи 10,4 кв.м.ни ташкил этган ҳолда, бу Булоқбоши (8,8), Асака (9,1), Улуғнор (7,9) туманларида, табиий газ билан таъминланиш Шаҳрихон (12,4), Избоскан (13,4) туманларида жуда паст даражада эканлиги аниқланди, аҳоли турар жойларининг канализация тармоқлари билан таъминланиш даражасини барча туманларда қониқарли, деб бўлмайди. Шулардан келиб чиқиб, қишлоқ туманларининг инфраструктура салоҳиятини таҳлил қилиш, уларнинг таъминланиши даражасидаги ҳудудий тафовутларни аниқлаш ҳамда асослаш, ўз навбатида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

4. Ижтимоий инфраструктура хизматлари орасида соғлиқни сақлаш соҳалари ўрганилаётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолининг турмуш шароитини белгиловчи асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Ўрганишларга кўра ҳар ҳар 10000 минг аҳолининг шифохона ўринлари билан таъминланиш кўрсаткичлари Бўстон (9,0), Андижон (17,7), Олтинқўл (17,7), амбулатория-поликлиника муассасалари ўринлари билан таъминланиш кўрсаткичлари эса Андижон (81,1), Улуғнор (93,9), Бўстон

(98,8) туманларида паст эканлиги аниқланди. Мазкур туманларда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг миқдор ва сифат жиҳатидан такомиллаштиришга қаратилган молиявий ресурсларни йўналтириш талаб этилади.

5. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-маърифий ривожланишида таълим тизимининг ўрни катта. Вилоят қишлоқ ҳудудларида мактаблар муаммоси яққол кўзга ташланади. Умумтаълим мактабларида ўқитишнинг навбатлилиги ва коэффиценти кўрсаткичлари таҳлилидан кўриш мумкинки, мактабларда ўқитиш коэффиценти Асака туманида 1,5 ни, Андижон, Олтинкўл туманларида 1,4 ни ташкил этади. Сменалик кўрсаткичи бўйича эса 454 мактабда (59,4 фоиз) таълим 2 сменада амалга оширилади. Шу билан бирга, Булоқбоши (65,7), Жалақудуқ (65,4), Избоскан (64,0), Олтинкўл ва Асака туманларида жами ўқувчиларнинг 63 фоизи 2 сменада таълим олишлари аниқланди. Бундан кўринадики, аксарият туманларда умумтаълим мактабларининг юкмаси катта. Тадқиқотлар давомида олинган натижалар асосида мазкур муаммолар тизими энг кескинлашган ҳудудларда уларнинг ечими бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

6. Қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларига 3-7 ёшгача бўлган болаларни қамров даражаси бўйича Андижон (53 %), Асака (53 %), Шаҳрихон (54%) туманлари вилоят кўрсаткичидан паст эканлиги аниқланди. Мазкур туманларда юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ечими бўйича манзилли ислохотларни жадаллаштириш лозим.

7. Андижон вилояти қишлоқ жойларида аҳолининг уй-жой, табиий газ, ичимлик суви, канализация тармоқлари билан таъминланиш, вилоятда соғлиқни сақлаш ҳамда таълим тизимининг ҳудудий ташкил этилишини баҳолаш ва уларнинг статистик ҳамда рейтинг кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи тегишли мавзулардаги социал карталар яратилди. Бу эса вилоят қишлоқ туманларига тегишли иқтисодий ва ижтимоий географик маълумотларни бойитишга хизмат қилади.

8. Олиб борилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, Андижон, Асака, Бўстон, Улуғнор, Хўжаобод ва Шаҳрихон туманлари қишлоқ аҳолисининг эса уй-жой ва муҳандислик-коммуникация шароитларида муаммолар мавжуд. Мазкур туманларда аҳолиси сони 500 кишигача бўлган майда, ҳатто 10-15 минг кишидан иборат йирик қишлоқлар шаклланган. Шу сабабли мазкур туманларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш, ижтимоий инфраструктура тизимининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиш зарур.

9. Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктуранинг ҳудудий таркибини табиий, иқтисодий-ижтимоий географик ва маъмурий-ҳудудий жиҳатларига таянган ҳолда такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурда қишлоқ жойлар

ижтимоий инфраструктура тизими статистик кўрсаткичларининг рейтинг ўринлари, ҳамда ўтказилган сўровнома натижаларининг ўзаро қиёсий таҳлиллари асосида мазкур тизимнинг ривожланиш даражаси паст деб топилган туманларда жами 23 та қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича амалга оширилиши зарур бўлган манзилли чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. Gr.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АТАЖОНОВ МУРОДЖОН МАХМУДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ СТРУКТУРЫ
СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ В СЕЛЬСКОЙ
МЕСТНОСТИ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В 2021.4.PhD/Gr169.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuuz.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyo.net» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Ахмадалиев Юсупжон Исмаилович
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Комилова Нилуфар Каршибаевна
доктор географических наук, профессор

Сафарова Насиба Иранкуловна
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «12» апреля 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.12.2019. Gr.01.06 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национальный университет Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 34). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «01» апреля 2022 года (протокол реестра № 40 от «01» апреля 2022 года).



Н.И.Сабитова
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.г.н., профессор

Ш.М.Шаринов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.г.н., доцент

З.Н.Таджиева
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире создание производственной и социальной инфраструктуры, определяющей образ жизни сельского населения, в несколько раз отстает от прироста населения. В связи с тем, что экономическое развитие в сельской местности сильно отстает от городов, ускоряется процесс незапланированной массовой миграции людей в города. Это, в свою очередь, приводит к кризисной диспропорции в размещении населения. Поэтому в программе устойчивого развития международного сообщества до 2030 года является «развитие потенциала сельской инфраструктуры, сельскохозяйственных исследований, сельского производства и социальной инфраструктуры»¹. Эти задачи требуют проведения исследований по совершенствованию региональной структуры социальной инфраструктуры в сельской местности.

В мире уделяется особое внимание исследованиям в этой области, особенно проблемам развития села, территориальной организации производства и социальной инфраструктуры, определяющих образ жизни и условия жизни сельского населения. Также важно оценить факторы, влияющие на развитие социальной инфраструктуры в сельской местности при быстром росте населения, повысить качество здравоохранения, образования в регионах, удовлетворить потребности населения в жилье, природном газе, чистой питьевой воде и улучшить научную основу устойчивого развития.

В республике осуществляется ряд реформ по улучшению условий жизни, необходимых для жизни и труда населения, дальнейшему социально-экономическому развитию регионов, достигаются определенные результаты. В частности, Постановлением Президента Республики Узбекистан поставлены важные задачи «...кардинального обновления архитектурного облика сельских населенных пунктов, строительства объектов дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной инфраструктуры и социальной сферы, а также повышения на этой основе культуры жизни и расширения мировоззрения населения»². Важное значение в этом направлении имеет проведение экономико-социальных географических исследований, направленных на изучение условий жизни населения и его территориальных различий, особенностей и проблем, в том числе в сельской местности Андижанской области, которая занимает всего один процент территории страны, где проживает 1/10 часть населения и где показатели плотности самые высокие.

Постановления Президента Республики Узбекистан от 28 декабря 2020 года № ПП-4936 «О мерах по развитию социальной и производственной

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. www.undp.org/content/uzbekistan/ru/

²Указ Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2018 года № УП-5386 О программе «Обод кишлок». <https://lex.uz/docs/3604659>

инфраструктуры Республики Узбекистан в 2021-2023 годах», и от 2 апреля 2021 года № ПП-5048 «О дополнительных мерах по реализации в 2021 году программ «Обод кишлок» и «Обод махалла» и Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 20 октября 2018 года № 841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» и других нормативно-правовых актов, касающихся данной сферы, данная исследовательская работа послужит в определенной степени.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование соответствует I направлению развития науки и технологий Республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретико-методологические основы изучения сельского населения, поселений и связанных с ними социально-географических проблем даны в работах зарубежных ученых Видаля де Ла Блаша, В. Кристаллера, А. Леша. Также изучались представителями экономической и социальной географии стран СНГ Н.Н.Баранским, Ю.Г.Саушкиным, С.А.Ковалевым. Научные исследования по проблемам территориальной организации социальной инфраструктуры в сельской местности проводились В. А. Максимовым, А. И. Алексеевым, А. А. Ткаченко, И. А. Абрамовым, Л. А. Меркушевой.

В Узбекистане сельская местность и ее экономико-социальные географические аспекты первоначально изучались Р.Валиевой, Э.Ташбековым, Г.Р.Асановым, О.Б.Ата-Мирзаевым, А.С.Салиевым, А.А.Каюмовым, а затем представителями научной школы профессора А.С.Салиева, З.Н.Таджиевой, Ю.И.Ахмадалиевым, М.И.Назаровым, Р.Й.Махамадалиевым, Ж.П.Мусаевым, А.У.Саттаровым, Ш.Б.Курбановым.

В вышеуказанных исследованиях изучались в основном проблемы сельского населения, формирования и размещения сельских поселений в стране и в отдельных регионах. Однако, вопросы совершенствования территориальной структуры социальной инфраструктуры сельских поселений Андижанской области не были изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного и научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Данное исследование выполнено в рамках проекта плана научно-исследовательских работ Андижанского государственного университета, практического исследовательского проекта на тему «Совершенствование потенциала в целях реализации институциональной системы обеспечения качества и типологии с использованием основ IQAT-Болонского процесса (2015-2017 гг.)».

Целью исследования является разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по выявлению различий в развитии системы социальной инфраструктуры в сельской местности Андиганской области и факторов, влияющих на нее, направленных на совершенствование ее территориальной структуры.

Задачи исследования:

анализ и совершенствование методов экономико-географических исследований системы социальной инфраструктуры сельской местности на основе анализа научной литературы;

оценка объектов инфраструктуры, влияющих на улучшение условий жизни и повышение социальной мобильности населения в сельской местности области;

определение рейтинга и осуществление типологии сельских районов Андиганской области по уровню развития системы социальной инфраструктуры;

создание серии карт, отражающих особенности развития социальной инфраструктуры в сельской местности области;

проведение сравнительного анализа статистических показателей и результатов социологического опроса инфраструктурной системы Андиганской области, выявление проблемных ситуаций.

Объектом исследования является система социальной инфраструктуры сельской местности Андиганской области.

Предметом исследования являются проблемы развития системы социальной инфраструктуры сельских поселений Андиганской области и оценка территориальных особенностей и факторов совершенствования ее структуры.

Методы исследования. В диссертации использованы методы: картографический, SWOT-анализ, географическое сравнение, системно-структурный, статистический, социологический опрос.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

